

Говҳар РАҲМАТОВА,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
таянч докторанти

ТУРКИЙ АДАБИЁТДА РУБОИЙ ГЕНЕЗИСИ МАСАЛАСИ

(“Девону лугати-т-турк”даги шеърӣй узиндилар мисолида)

Туркий халқлар тарихда ўзининг бой маънавий мероси билан алоҳида ажралиб туради. Бу бой маънавий мерос қадимийлиги билангина эмас, сўзга чечанлиги ва самимийлиги билан ҳам диққатга сазовордир. Туркий халқлар оғзаки шеърятининг ривож топишида туркийларга хос бўлган урф-одат, маросим ва анъаналар алоҳида аҳамиятга эга. Негаки, туркий шеърят туркийларга хос бўлган муҳитда: халқона урф-одатларга содиқлик, сўзамонликнинг халқчиллиги, кенг ҳудудга ёйилган элатнинг элпарварлиги, курашчанлиги ва ғайратлилиги ҳамда баланд иштиёқ руҳида юзага келган. Бу шундай муҳитки, унинг ўзига хос жозибаси, салоҳияти бор. Агар бизгача етиб келган туркий адабий меросга назар ташлайдиган бўлсак, уларда халқ оғзаки ижодининг аҳамияти салмоқли ўринни эгаллайди. Буни Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону лугати-т-турк» асарида келтирилган халқ оғзаки ижод намуналаридан ҳам кўриш мумкин. Асардаги узиндиларни қуйидаги тематик гуруҳларга ажратиш мумкин:

1. Жанг тасвирига бағишланган шеърлар.
2. Марсиялар (Алп эр Тўнга марсияси, Қаҳрамон хотирасига айтилган марсия).
3. Пандномалар.
4. Лирик шеърлар.
5. Табиат тасвирига бағишланган шеърлар (Баҳор ҳақидаги қасида).
6. Қиш ва Ёз мунозараси.
7. Ов қўшиқлари.
8. Алқовлар.
9. Воқеалар тасвири берилган шеърлар.
10. Халқ достонларининг узиндилари.

11. Ўйин-кулгу қўшиқлари.

12. Маросим қўшиқлари.

13. Хотиралар.

14. Маълум бир ижтимоий қатламга оид парчалар (Хўжайиннинг ўз қулидан нолиш шеърлари; Қочоқ қулга танбех).

Асарда келтирилган шеърӣй парчалар сони 235 та бўлиб, иккитаси арабча, қолганлари туркий Бу халқ оғзаки ижоди намуналарининг эса жанрлари турлича.

Адабий жанрлар қадимдан халқ оғзаки ижод намуналарида ўзининг таркиб топиш ва ривожланиш жараёнини босиб ўтган. Халқнинг турли хил мавзуларда ёки қандайдир сабаблар билан ижро этиладиган халқ оғзаки донолигидаги термалар, лапарлар, маросим қўшиқлари маълум қоида ва оҳангга солиниб ижро этилган. Ёки бундай оғзаки ижод намуналари бирор мақсадда ва бирор жараёнга мослаб қуйланган. Шунга кўра, бу халқ оғзаки ижод намуналарининг таркибида кўпроқ шеърӣй шаклдаги матнларнинг қўлланиши қулай ва жозибали ҳамда мазмундор чиққан.

Халқ тафаккури йиллар силсиласида бойиб, янги қирраларини намоён этиб бораверади. Шеърӣй жанрлар ҳам қадимдан халқ оғзаки ижодида сайқал топиб, ўзининг ривожланиш босқичини босиб ўтган.

Маҳмуд Кошғарий ўзининг «Девону лугати-т-турк» асарида *etük* – ҳикоя, эртақ; *ötkünç* – ҳикоя; *saw* – қисса, рисола; *qoşuğ* – шеър, қасида, қўшиқ; *yür* – ғазал, мақом, куй; *kög* – куй, мақом, ашула каби жанрлар номларини санаб ўтган. Туркий халқлар оғзаки ижодида юқорида санб ўтилгандан бошқа жанрлар ҳам мавжуд

бўлган. «Девону луғати-т-турк»да сўзларни изоҳлаш мақсадида келтирилган мисоллар туркий халқларнинг турли поэтик жанрларда ижод қилганини кўрсатади. Биз буни рубоий жанри мисолида кўришимиз мумкин.

Араб, форс ҳамда туркий адабиётдаги етакчи шеърый жанрлардан бири рубоийдир. Рубоий арабча сўз бўлиб, луғавий маъноси – «тўрттадан» демакдир. Ўзбек мумтоз адабиётида рубоий ғазалдан кейинги кўп ижод қилинган жанрдир. У арузнинг «ҳазаж» баҳридан «ахрам» ва «ахраб» вазнларида ёзилади.

Олимлар рубоий жанри форс адабиётига туркий фольклор адабиётдан кириб борган деган тахминларни илгари суришади. Е.Э. Бертельс шундай дейди: Тўртликларнинг туркий халқлар шеъриятида қадимдан кенг қўлланилиб келган етакчи шакллардан бири эканлиги тўғрисида Е.Э.Бертельс шундай дейди: “Қасида ва ғазаллардаги ягона қофиялик албатта, араблардан. Бироқ жуфт қофия арабларга мутлақо маълум эмас эди. Уларга рубоий ҳам номаълум бўлган. Аммо рубоий жуда қадим замонларданоқ Ўрта ва Марказий Осиёдаги турли туркий халқлар фольклорида энг ёқимли шакллардан бири бўлган. Шунингдек, араб термини билан аталадиган мураббаъ, яъни ҳар бир мисраси *а-а-а-б, в-в-в-б, г-г-г-б* кўринишида қофиялланувчи тўртликлардан бошқа нарса эмаслигини тан олмаслик мумкин эмас”¹.

Туркий халқлар оғзаки поэзиясида жуда қадимги замонлардаёқ кенг қўлланилиб, тараққий этган бу шеърый шакл форс-тожик халқ адабиётига анча кейин кириб борган. Бунда, Е.Э. Бертельс айтганидек, туркий фольклорнинг ҳам таъсири бўлган.

Адабиётшунос олим И. Ҳаққулов ўзининг рубоийга бағишланган монографиясида шундай дейди: «Туркий халқлар фольклорида рубоий формасининг энг қадимги намуналари бизгача Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғати-т-турк» асари орқали етиб келган. ... Демак, мавжуд ёзма манбалар рубоий шакли туркий халқлар адабиётида қадим тарихга эга эканлигини тўла тасдиқлайди. ... «Девону луғати-т-турк»даги тўртлик ва лирик парчалар бармоқ вазнида берилган бўлиб, уларнинг аксарияти 7-11 ҳижодан ташкил топган. 7-11 ҳижоли *а, а, а, б* ёки *а, а, б, а* шаклида қофияланувчи шеърлар туркий

халқлар поэзиясида қадим замонларда пайдо бўлганлиги ва ниҳоятда кенг тарқалганлиги илмда аллақачонлар исботланган. Шунинг учун рубоий формаси форс – тожик адабиётида туркий халқлар фольклори таъсирида пайдо бўлганлигига шубҳаланмаса ҳам бўлади².

«Девону луғати-т-турк»даги тўртликлар бармоқ вазнида яратилган бўлса ҳам унда рубоийга хос асосий белгилар мужассам. Кўпгина рубоийларда май ҳаёт завқи, шод-у хуррамлик рамзи сифатида келади. Бунга Умар Хайёмнинг ҳам машҳур рубоийларини мисол келтириш мумкин. Лекин, «Девону луғати-т-турк»даги тўртликлар орасида ҳам шу мавзудаги парча мавжуд:

*Ottuz içip qıqralım,
Yuqar qopup sekrälim.
Arslanlayu kökrälim,
Qaçti saqinç, sewnälim.*

Мазмуни: Уч қайтадан ичайлик, тикланиб, арслон каби наъра тортайлик. Қайғу-алам биздан йўқолганини кўрсатайлик (Уч қайтадан ичиб қайтарайлик, парвоз қилиб сакрайлик, арслон каби наъра тортайлик, қайғу кўтарилди, севинайлик) (ДЛТ.71).

Мазкур тўртлик билан куйидаги рубоийлар мазмуни орасидаги ўхшашликни сезиш қийин эмас:

*Озор ила неча гўфтигу қилгайсиз?
Озурда бўлурни жустужу қилгайсиз,
Мунчаки кўнгуларга етишгач озор,
Май бирла магарки шустушу қилгайсиз³.
Ёки:
Келгилки, даме ўлтурубон май ичалинг,
Дунё ғами ранжидин замоне кечалинг,
Чун айшу нишот лашкари саф тузди,
Ей меҳнату гусса хайли, сизлар синалинг⁴.*

Мазкур рубоийлар Бобур қаламига мансуб бўлиб, у май ва майхўрлик мавзусида ҳам рубоийлар ёзган ва уларда дунёга бўлган муҳаббатини акс эттирган. Май мавзусида ҳайёмона йўл тутиб, майни шодлик ва қувонч рамзи сифатида ифодалайди. «Бобурнома»да ҳам «чоғир мажлис»ларини уюштирилиб

² Ҳаққулов И. Ўзбек адабиётида рубоий. – Тошкент: Фан, 1981. – Б. 30.

³ Шоҳ ва шоир Захириддин Мухаммад Бобур. Нашрга тайёрловчи Ҳасанхўжа Мухаммадхўжа ўғли. – Тошкент, 1996. – Б. 43.

⁴ Шоҳ ва шоир Захириддин Мухаммад Бобур. Нашрга тайёрловчи Ҳасанхўжа Мухаммадхўжа ўғли. – Тошкент, 1996. – Б. 69.

¹ Маматкулов М. Қадимги туркий адабиётда жанрлар поэтикаси. Фил.фан.номз. ... дис. – Т., 2004. – Б. 37.

турилгани ҳақида қайд қилган. Май – дунёни севиш, дунё ранжларини, ёмон инсонлар аламини унуттирадиган восита сифатида Бобур рубойларида ҳам ўз аксини топади.

*Bulnar meni ulas kōz,
Qara meniz, qizil yüz.
Andin tamar tükäl tüz,
Bulnar yana ol qaçar.*

Айтмоқдаки: бу хумор кўзли (севиклим) порлоқ юзидаги ёқимли қора холи билан мени асир қилади. Худди гўзал яноқларидан ширинлик томаётгандек, мени асир қилади-да, сўнг мендан қочади [мастона кўзли, кўркам юзли, қоп-қора холли севиклим, ёноқларидан ёқимлилиқ томаётгандек мени асир қилади. Асир қилади-да, сўнг қочади] (ДЛТ.37).

Адабиёшунос И. Ҳаққулов ўз тадқиқотларида «Девону луғати-т-турк»даги юқорида келтирилган тўртликни композицион жиҳатдан рубой жанрига мансублигини исботлайди:

Севги қайфияти билан айтилган мазкур тўртликда фикр қуйидаги усулда баён этилган: тезис, антитезис (маъшуканинг ошиққа қувонч бағишлаб, сўнгра ноумид этиши антитезис) ва синтез. Бу ерда рубой жанрига хос яна бир хусусият бор. Тўртликда маъно жиҳатидан бир-бирига алоқадор сўзлар асосида лирик қаҳрамоннинг ишқий кечинмалари умумлаштирилган. Яъни тўртликда кўз, юз, қора хол, ёноқ сўзлари асосида таносиб санъати юзага келган. Шеърни бошдан-оёқ бир шеърӣ усул воситасида вужудга келтириш кўпроқ рубойга хос хусусиятдир. Демак, «Девону луғати-т-турк»даги тўртликларда рубойӣ поэтикасига хос бўлган қатор хусусиятлар уларни жанрнинг энг қадимги намуналари дейишга имкон беради⁵.

Шеърни айна бир услубда битиш яъни, юқоридаги каби таносиб асосига қурилган рубойӣ Навоӣ ижодида ҳам мавжуд:

*Кўз бирла қошинг яхши, қабогинг яхши,
Юз бирла сўзинг яхши, дудогинг яхши.
Энг бирла менгинг яхши, сақогинг яхши,
Бир-бир не дейин, бошдин аёгинг яхши⁶.*

Одатда, рубойнинг қофияланиш системаси *а, а, б, а ёки а, а, а, а* шаклда бўлиши керак. Девонда бу иккала шаклда қофияланган

тўртликлар ҳам анчагина учрайди. Лекин уларнинг асосий қисми *а, а, б, а* тарзида қофияланган. Бу нарса қадим замонларда тўртликларнинг қофияланиш шакли хилма-хил эканлигини кўрсатади. Аммо аста-секин рубойӣ учун қофиянинг *а, а, б, а ёки а, а, а, а* шакли қатъӣ системага айлантирилди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, рубойӣ жанр сифатида форс адабиётида юзага келган бўлса-да, унинг генезиси туркий адабиётда намоён бўлган.

«Девони луғати-т-турк» асарида ХІ асргача мавжуд бўлган адабий жанрларининг Маҳмуд Кошғарӣ қайд этган атамалари араб-форс адабиётшунослиги атамаларидан фарқ қилади. Бу билан биз адабий жанрларнинг туркий атамалари ХІ асрдан олдин ҳам мавжуд бўлганлиги ва фақат бошқача номлар билан аталганлигини билишимиз мумкин.

Асардаги шеърӣ парчалар бир неча асрлар илгари яратилган бўлишига қарамай, бадий савияси жиҳатидан юқори туради. Уларнинг тўртликлар ва иккиликлар шаклида изчиллашгани, қатъӣ қофия тизимига эга эканлиги, айниқса, бадий тасвирий воситаларга бой экани бунга исбот бўла олади.

Туркий халқлар адабий муҳитида қуйланадиган мавзулар улар жойлашган кенг ҳудудларни ҳисобга олганда турлича ривожланди ва тараққӣ этди. Тематик жиҳатидан туркий халқлар оғзаки ижоди турли хил мавзулар ва қўламга эга. Хусусан, жанг тасвирига бағишланган шеърлар, марсия, панднома ва севги-муҳаббат шеърлари, табиат, воқеа ва ов тасвирига бағишланган шеърлар, мунозара, алқовлар, дoston узиндиси, ўйин-кулгу, хотира ва маросим шеърлари шулар жумласидандир. Бу мавзуларда кишиларнинг турмуш тарзи ва машғулот билан боғлиқ ҳолатлар берилади. Мана шу жиҳатлардан биз ўз даврида туркий оғзаки шеърятнинг жамият ахлоқӣ ва маънавий қиёфасини шакллантиришдаги ўрни катта бўлганини кўраимиз. Шеърлар тематикасининг турли туманлиги эса, бевосита жанрлар тақомилида катта аҳамият касб этган. Буни марсия, фаҳрия, қасида ва бошқа кўплаб жанрлар тақомилида кўриб ўтишимиз мумкин. Хусусан, рубойӣ жанрида халқчил мавзуларнинг қуйланишини инобатга олсак, турли мавзуларни қамраб олган туркий халқлар оғзаки ижодида халқона мавзулар кенг ўрин эгаллаган.

⁵ Ҳаққулов И. Ўзбек адабиётида рубойӣ. – Тошкент: Фан, 1981. – Б. 32.

⁶ Алишер Навоӣ. Ғаройиб ус-сиғар. – Тошкент: Фан, 1988. – Б. 569.